

Янги йил, ХХ аср!

ЖУРНИЯТ

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

27 декабрь
2000 йил
- 2 январь
2001 йил
51 (204) - сон

Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

ЭФИРДА FM

2-БЕТ

ОФАТГА АЙЛАНГАН КАМАЛ

3-БЕТ

МАХМУДЖОН АЗИМОВ: МИЛЛИЙЛИК МАҲДУДЛИК ЭМАС

4-БЕТ

Қадрдон муштарийлар!
"Хуррият"ни ўқиган
кўзингиз ёш кўрмасин.
Дўстлигимиз келгуси
асрда, келаётган янги
йилда ҳам давом этсин.
Роппа-роса 7 кундан
сўнг янги асрнинг 1-
сони қўлингизга етиб
боради.
Ишончингизни оқлаймиз,
меҳрибонлар!

КАЙФИЯТ

ДОСТОНЛАРДА ҚОЛАЖАК АСР

XXI аср...
Башарият янги юз йилликка қадам қўймоқда. Инсоният бу ҳаяжонли дақиқаларни орзиқиб кутмоқда, зеро янги аср, янги босқич — янги орзу, янги умидларнинг дебочаси!
Доим доводдан довогга ўтганда орқага — босиб ўтилган йўлга бир назар ташлаб, муваффақияти-миздан хузур оламиз, етишмовчиликлар рўйсининг режасини тузамиз, янги умидлар сари янги куч билан отланамиз.
Бу гал ҳам замондошларим ХХ асрни фахр ва қониқши билан кузатаётганликларига шубҳам йўқ. Негаки, Ўзбекистон аҳли учун ХХ асрнинг кейинги ўн йиллиги тарихимизнинг энг қувончли, эсда қоларли, муҳим аҳамиятга молик йиллари бўлди.
Уйлайманки, давлатимиз янги асрда юксалишининг янги босқичларига кўтарилиб, буюқ давлат бўлиб шаклланади. Қатрада қуёш акс этганидай республикамиз ҳаётидаги тарихий ўзгаришлар туманимиз ҳаётида ҳам намойён бўлаётди. Туман, шаҳар ва қишлоқларнинг жамоли кун сайин гўзал иморатлар билан чирой очмоқда, элдошларимнинг турмуш тарзида ўзига хос кўтаринчилик, бахтиёрлик уфуриб турибдики, буни барча бирдай ҳис қилаётир. Ишчию, деҳқон энди мажбуран эмас, ўз хоҳиши, ўз имкониятидан келиб чиқиб ўз ишини ижодий, ташаббускорона, ўзининг келажақдаги муваффақиятини ҳис қилиб, ёрқин келгусини аниқ тасаввур этган ҳолда, ишонч билан меҳнат қилаётир. Буни ўз кўзи билан кўрган ҳар қандай киши ҳам беихтиёр қўйлаб юборса ажаб эмас. Зеро, азиз юртимизнинг, қадрли Эллиққалъамизнинг ҳар бир яратувчиси кунни ёқимли кўшиқчи эслатади. Назаримда, замондошларим ўз меҳнатлари билан буюқ давлат — буюқ достон яратиб берадиган, мен ҳам ихтиёрсиз равишда қўйлаб юборгим келади.

Мен ҳам шу эл кизидурман фидойи,
Бўлай дейман юртим бахти, чиройи,
Ийитлари Рустам сифат киройи,
Эллиққалъа, пардозингга қойилман.

Тарихи чўнг, донгдор эл бу азали,
Меҳмон кутар бекалари — гўзали,
Таърифига ожиз шоир газили,
Эллиққалъа, шеър, созингга қойилман.

Узи ёшдир, йигирмадан сал ошган,
Тўрткўл билан, Шоббоз билан беллашган,
Бўстон бугун жаҳон билан тиллашган,
Эллиққалъа, парвозингга қойилман.

Ёзаверсам таърифингга йўқ адо,
Ягонадир Ватан унга жон фидо,
Сени дейди, Сени дейди Зулайҳо,
Эллиққалъа, ҳамрозингга қойилман.

Зулайҳо НУРМЕТОВА,
Қорақалпоғистонда хизмат қўратган журналист,
Эллиққалъа тумани "Давр кўзуси"
газетаси бош муҳаррири

АРАФА

ҲАЙИТ — МЕҲР — ОҚИБАТ, ШУКРОНАЛИК ВА ШОДЛИК АЙЁМИ

Яратганга шукрим, гадаги Рамазон шариф ойи ҳам охирида, муқаддас ва муборак байрам — Ҳайит хондонларга, кенгликларга кириб келди. Рамазон ва Қурбон Ҳайитлари ҳақида, Ҳақ таолонинг бу кутлуғ кунлардаги аҳсонун иноятлари тўғрисида кўп ва ҳубу-сўзлаш мумкин. Ҳайитнинг шодлик ва шукроналик байрами эканлигини кексаларимиз — боболар, мололар ва жамики мўмин-мусулмонлар юракдан ҳис қилишади. Шунинг учун ҳам улар Ҳайитни орзиқиб куттишади.
Одамлар Ҳайит кунлари ҳар қачонгидан мулоим, меҳрибон, ширинсўза ва сажий бўлиб қолишади. Бир-бирларидан ҳол-аҳвол, кўнгил сўрашади, тайёрланган турфа хил тансиқ таомларни ўзаро баҳам қўришади. Яратганнинг раҳмати ёғилиб турадиган бу муборак кунда эрта тонгдан бошлаб ҳамма бир-бирини табриқлайди. Фақат бу табриқнинг бошқа кундаги қутловлардан фарқи бор. Яъни, одамлар худди узоқ муддат қўришмаган кишилардек, бир-бирларини бағриларига босишиб, танисоғлик, тинчлик-омонлик, янаги Ҳайитларда ҳам юз қўришиш нисбат этишини тилашади.

НИЯТ

ИЛЛАТЛАР ОСТОНАДА ҚОЛСИН

Янги йил яқинлашиб келаверса одамга бир саробга ўхшаш манзил буйи кўрсатаётгандай, худди бир учкўртга миниб келиб уша манзил "бисмилло" деб остонада кир ва лой поймабалингни ёчиб ичкарига киришинг лозимдек, акс ҳолда у ер ҳам, ундаги одамлар ҳам сенинг устингидек қанчалар худди қўлиб юборадигандек аввалдан хижолат бўлаверасан. Аммо 1 январь кунини ён-верингга қарасанг... не ажабки, кечяги, ўтган кунини, ундан аввалги одамлар, нарсалар уйлар, киффалар, Вақт — энг улуғ ҳақ. Ва энг катта адилдиги. Ҳамид Олимжон назидиди сингари "еллар мени алдаб кетди". Янги йил ҳақида ҳаммаси беш ёшларимда фаҳм-фаросат уйғона бошлаган бўлсам, ўттиз икки бор ёлгончи манзил рўпарасида, тагин ўттириқ эканини бетиға солмай астойдил унга инониб лой илаш-

КАЙФИЯТ

ДОСТОНЛАРДА ҚОЛАЖАК АСР

хотамтойлиги, бахти, икболи. Президентимизнинг Олий Мақолининг тунов кунги сессиясида қилган маърузасидаги бир таъбир шурунганга кўрсониндай қўйилди: ҳамма иллатларнинг бош сабаби — иймонсизлик. Тўғри-да, иймони бугун одам пора оладими, мунофиқлик ёки ўғирлик, ёлгончилик ёки террор босқинчилик ёки тарорлик оларимиди? Иймони бугун одам оиласини, Ватанини кўзининг қорачиғидай тутта билади. Бир ожиз инсон, нари борса камтар қаламқаш офатида шу хусусда кўп ўйлайман. Узини иймонли кўрсатиб, амалда бунинг тескарсини қилувчилар мунофиқлар дейилади. Иймон дегани асли — ишонч, мустаҳкам эътиқод. Мунофиқнинг эътиқоди йўқ. Аллоҳ улар тўғрисида ҳукм қилган: "Уларга (мунофиқларга): "Ер юзиде бузғунчилик қилманлар", дейилса, "Биз ислоҳ қилувчиларимиз", дейдилар. Огоҳ бўлингизки, улар албатта бузғунчилардир, лекин ўзлари бунини сезмайдилар". ("Бақара" сураси, 11-12-оятлар).
Агар иймонсизлик иллатини ҳам бир қовуш сингари ечиш даражасида тарқ этиш осон бўлсаиди, эй, биродарлардан холи аср, мунофиқлардан холи минг йиллик бўлади, мазкур кийимини ечинг, иймон кийимини кийинг, пок бўлиб қиринг остондан, дея ҳайқирган булардим.
Аммо барибир мантиқан ўйлаб кўрганда энди яхшиланаш, тозарини, ўнганлиши, шаклланиши, барқарорлашиши, мустаҳкамлашиши йиллари бошланди Ўзбекистон учун. Ҳозирча бизнинг қониқшишимиз шу. Ва албатта, шу сифатлар Ватанимиз келажагини буюқ қилишга ётарлидир.



МУНОСАБАТ

ИККИ СЎЗНИНГ ИШКАЛИ

Тилимизга четдан кирган атамаларни миллийлаштириш хийла қийин кечади. Оддийгина "тушлик"ни олсинг: ўнта одамдан тўққизгача уни "обед" (абет) деб ишлатади. Шундай экан, ўн-ун беш йил илгари адабий тил "прописка"сида турган, лугатларда муқим ўрин эгаллаган "проезд", "тулик" сингари атамаларни ўзгартириш осон эмас.
Қийинчилик яна шундаки, кўпчилигимизда ажнабий сўзларни тиқштириб гапиришга ихлос катта. Янгиланган кўп атамалар, ҳатто аввалгилардан тўғрироқ бўлса ҳам, қўлланилавермайди, ўрмас истилоҳ ёки ном "қадрондор" туйлади (УЗМУ ўрнига ТашГУ дейиш қийин).
Саксонинчи йилларнинг охирида — атамаларни миллийлаштириш кучайган пайтда қарийб ҳар бир корхонаю ташкилотдаги тил жонқурлари ўз соҳаларига оид русча, рус тили орқали кириб келган атамаларни ўзбекчалаштиришга киришдилар — "практика" ўрнига "амалиёт", "диагноз" ўрнига "таъхис" каби ўзлаб маъқул истилоҳлар билан лугатимиз бўйлиди. Бирок бу фидойиларнинг кўпи аслида "хаваскор тили" эдилар, шу сабабли улар қиритган бир талай атамалар ё ноўғри, ёки тилини ривожлантиришга хизмат қилмайдиган, афсуски, эндиликда уларни чиқариб ташлаш ҳам осон бўлмапти. Бу хийла ишқал масала.
Иккинчи томондан, мен, масалан, "билет" сўзи ўрнига "чипта", "касса" ўрнига "газна" (хазина), "адрес" ўрнига "манзил" каби ўнлаб янги, "ўзбекча" атамаларга қўнқолмаётган, мен, Тўғри, илгари тилимизда "чипта" сўзи бор эди, аммо "билет" нихоятда оммалашиб улгурди, мақсад ҳар қандай европада сўзини суриб ташлаш бўлса, тил бойиш ўрнига ғариблашиб қолади. Иккинчидан, "чипта" деганда биз қаногдан тўхилган дагал матони (масалан, чипта қоп) экан, назардан келиб қимасдан, яна битта омоним сўз пайдо қилиш шартми?
Ҳазна нима ўзи? У бирон подшоликнинг асосий бойлиги йилган жой, хазинабон эса унинг мута-саддиси. Бу тушунча касса-дан бугундай бошқа нарса.

Очиги, адиб ва драматург Машраб Бобоевнинг газетамизнинг 11-17 октябрь сониде эълон қилинган "Боши берк кўчаданмисиз?" мақолисидаги муаммо бу қадар баҳс-мунозарга сабаб бўлишини кутмаган эдик. Буни қарангки, тахририятга келадиган, пешма-пеш эълон қилинадиган фикр-мулоҳазалар шу қадар ўринлики, фаол муаллифимиз Зухриддин Исомиддинов ёзганидек, "Буларни майда нарса деб ўйловчилар янглишади. Ҳар бир сўз учун бугун бошли рисола ёзса арзийди".
Шуни ҳам эслатмоқ жоизки, ушбу баҳс иштирокчиларининг мулоҳазалари газетда айнан эълон қилинди, мулоҳаза ва тақлифларнинг нечоғли тўғри-ноўғрилиги юзасидан ҳакамлик қилишни "Хуррият" зиммасига олмайди, албатта. Бу борада ҳам қўйидаги мақола муаллифининг эслатмаси маъқул, яъни Атамашунослик кўни-таси, Тошкент шаҳар ижроия маҳкамаси топонимик комиссияси масалалар оидинлик қиртаса ўртага ташланган тақлиф-мулоҳазалар бесамавр кетмас эди деган унхидда-мас. Токи, арзимасдек туюлган атамаларга ўзбекчага сўз топишни ҳам келгуси асрга ташмалаб юрмайлик.

Шунинг учун ҳам руслар Ҳазнани биздан олиб, қазна, қазначей, қазначейство каби ўнлаб янги сўзлар ясаган. Наники, ҳаммонинг кассаси энди хазина (ёки газна) аталса? Автобаза ҳайдовчиларига маош тарқатадиган Анфиса опамиз эса — хазиначи бўлса?
Манзил (ёки манзилгоҳ) — одам турадиган жой дегани. Адрес эса жой эмас, балки муайян жойнинг номи. "Бирон жойдан манзил-макон қилдингми" мисраси уй-жойнинг борми, деган маънони англатади, адресинг қанақа дегани эмас бу. Қолаверса, халқаро ижтимоий муносабатларга тобора кенгрок қўламда кириб бораётган ҳозирги давримизда адресдан ташқари адресат, адресант сингари атамаларни ҳам ўғиршиб лозим, қўринадиги, ҳамма нарсани жайдарилантиравериш шарт эмас.
Аммо проезд ва тулик — алмаштирилиши керак эди, чунки ХХ асрга қадар ҳам бизда кўча-кўй, маҳалла-гузар сингари бўлган, бундан ташқари, айни атамалар тўхилган дагал матони (масалан, чипта қоп) экан, назардан келиб қимасдан, яна битта омоним сўз пайдо қилиш шартми?
И.Остонақулов, К.Норматов ва Ҳ.Тожиमतов айни атамаларни янглиш бора-сида фикр билдираркан, таржима қилиш нуктаи назардан келиб қимасдан, яна тақлиф-ташаббус йўси-нида кетадилар. Тупикини қўй дейиш, мантиқан, неварани бобо деб аташ билан бир

хил бўлса, проездни йўлак дейиш ҳам бундан асломав. Негаки, унда йўлак (тра-туар)ни нима дейимиз? Аслида, проезд билан тулик тўғри таржима қилинса — олам гулистон.
Буларни берк кўча, тор кўча деб номлаган биродарларни русча-ўзбекча лугатлар чалитган. Уларнинг барчасида — 1954 йилдан тортиб — беистисно равишда проезд "тор кўча", тулик эса "берк кўча" деб берилган. Ҳатто "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да ҳам тулик — берк кўча деб таъкиқ этилган (проезд — йўк).
Халқ оғзига нутқда туликни истиора қўлаб, "халта кўча" деб атайди. Чунки қоп сингари, туликнинг ҳам нариги боши очик эмас.
Ўзбек геологлари русчадаги "докембрийский период" атамасининг битта харфини янглилаб ("токем-рий даври"), тилимизда қўйилмакчи янги истилоҳ ясаганлар. Бу таржиманинг ютуғи яна шундаки, тил амалиётида янги атама шаклан эҳсисига қанчалик монанд бўлса, сингишиши ўнғай кечади. Олимларимизнинг мана шу тақрибасидан фойдаланиб қўрсак қалай бўларкин? Масалан, мен туликни иккала ёғи очик, яъни нариги боши ёки туби йўк кўчадан фарқи ўларок, иккинчи томони, туби ўларок, тулик кўча деб биламан. Ҳўш, туликнинг... тулик деб атасак нима дейсизлар? Ахир сўз фақат қадим замонларда ясалмайдик-ку. Тор кўча деб ёзиб келинаётган проезд чиндан ҳам торми, торлик унинг асосий белгисини? (Унда, торроқ кўчаларнинг ҳаммаси проезд экан-да?) Аммо шунақа кенг

проездлар ҳам борки, тўрт-беш қатор машина бемалол уёқ-бўёққа қатнайди. Проезд дегани — икки ёнма-ён кўча орасида, худди "Н" харфининг ўртасидаги белбоғ сингари, уларни туташтирадиган кўча. Бизнингча, орақўча, вассалом!
Аммо... яна бир масала. Бу, "Абдулла Қаҳҳор 4-берк кўчаси" дегани нима ўзи? Абдулла Қаҳҳорнинг 4-тулиғими, ё Абдулла Қаҳҳор туртинчининг тулиғими? Ё булмасга 4-тулик Абдулла Қаҳҳор номидами?
Йўқ. Рус тилида маъноси матндан англашаладиган сўзнинг тушиб қолиши ҳодисаси — Беш десятя (минут) четвертога (час) каби — кўп учрайди. Бунда ҳам тулик номлашни аслида "4-й тулик улици Абдулла Қаҳҳора", яъни "Абдулла Қаҳҳор кўчасининг 4-тулиғи" эди! Аттган...
Буларни майда нарса деб ўйловчилар янглишади. "Ҳар бир сўз учун бугун бошли рисола ёзса арзийди", деганлар ҳақ.
Пировадидда бир гап. Сон-саноксиз "олийгоҳ", "тайёрагоҳ", "ноҳия", "овоз-нигор" каби чумвал ва илмий жиҳатдан ҳато эканлиги нақд кўриниб турган атамалар урчиб кўпаяётганида, мармар ташталарга зарҳал харфлар билан битилиб, давлатнинг ўзи минглаб сумлари соври-лаётганида катта вақолатлар берилган Атамашунослик комиссиясидаги, шаҳар ижроия маҳкамасининг топонимик комиссиясидаги уртоқлар қайси тор ва берк кўчаларда ўралашиб юришган эдиккин? Ҳозир-чи, катта йўлдами, ишқилиб-чи?

Зухриддин ИСОМИДИНОВ

